



## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QO‘MITASINING BUYRUG‘I

2021 у. «14» апрел

№ 32

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисида маълумот бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 179-сон қарорига мувофиқ, давлат статистика органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш юритишни янада такомиллаштириш мақсадида, **БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида давлат хизматларини кўрсатишда идоравий алоқа марказлари (ишонч телефонлари) фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўмита марказий аппарати бошқарма ва бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида мазкур Низомни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилсинлар.

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси (Ф. Бердибаев), ҳудудий статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари раҳбарлари, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти директори:

ушбу Низомни давлат статистика органларининг барча ходимларига таништирилишини;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ишонч телефонлари орқали тушган мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш бўйича барча иш юритиш ҳужжатларини қатъий равишда, мазкур Низом талаблари асосида юритилишини таъминласинлар;

4. Раис ўринбосарлари, қўмита марказий аппарати ва қуйи тизим бўлинмалари томонидан Низом талабларини тўлиқ ва пухта ижросини таъминланиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

5. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Раис

Б. Бегалов